

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

НОРҚОБИЛОВ МИРЗАҚУЛ ХИДИРОВИЧ

САЪДУДДИН ТАФТАЗОНИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ
ҚАРАШЛАРИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Philosophical Sciences**

Норқобилов Мирзакул Хидирович

Саъдуддин Тафтазонийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари.....3

Норқобилов Мирзакул Хидирович

Социально-философские взгляды Саъдуддина Тафтазани.....23

Norkobilov Mirzakul Khidirovich

Socio-philosophical views of Saduddin Taftazani43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ.....47

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

НОРҚОБИЛОВ МИРЗАҚУЛ ХИДИРОВИЧ

САЪДУДДИН ТАФТАЗОНИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ
ҚАРАШЛАРИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Fal.381 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fs-ik.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафарова Нигора Олимовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Холмўминов Жаъфар Муҳаммадиевич
фалсафа фанлари доктори

Мадаева Шахноза Омонуллаевна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 «21» апрель соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (37-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2022 йил «11» апрель куни тарқатилди.

(2022 йил «11» апрелдаги 4 рақамли реестр баённомаси).



И.Саифназаров,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, фалсафа фанлари доктори, профессор

Г.М.Рузматова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, фалсафа фанлари доктори, профессор

О.Дж.Нишанова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фалсафа фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон илмий жамоатчилиги илм-фан ва ислом дини тамаддунига муносиб хисса қўшган Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг маънавий меросини муҳим ижтимоий воқелик сифатида эътироф этади. Жамият тараққиёти ва фаровонлигига хизмат қилувчи прогрессив ғояларни ўзида жамлаган мутафаккирлар илмий мероси башариятнинг ижтимоий қиёфасини шаклланишида долзарб аҳамият касб этади. Шу боис, мутафаккирлар асарларидаги илму-маърифат билан замонавий билимларни уйғунлаштириш орқали тараққиётга эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар бугунги кунда объектив зарурият сифатида эътироф этилмоқда.

Жаҳон фалсафий тафаккури тараққиётида Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг маънавий мероси, хусусан, Саъдуддин Тафтазонийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари Миср, Эрон, Покистон, Туркия, Россия, Словакия, АҚШ, Канада, Англия каби давлатларнинг тадқиқот институтларида илмий-назарий жиҳатдан ўрганилмоқда. Мутафаккирнинг илмга интилиш, ақлни улуглаш, оламни англаш, ахлоқий камолот, мураса маданияти, ижтимоий адолатга оид прогрессив ғоялари жамият барқарор тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан, инсоният маънавий ҳаётида юзага келаётган ғоявий таҳдидларга қарши курашда мутафаккир Тафтазонийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари бугунги илм-фаннинг зарурий тадқиқот объектига айланмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлгани каби янгича дунёқараш асосида мутафаккирлар маънавий меросини ўрганиш ва уларнинг прогрессив ғояларини жамият ҳаётига тарғиб қилиш муҳим вазифага айланди. Хусусан, 2021 йил 16 июнда Имом Мотуридий халқаро илмий тадқиқот марказида 28 хорижий давлатлар иштирокида ўтказилган халқаро симпозиум бу борадаги ишларимизнинг амалий эътирофи бўлди. Жумладан, «Марказий Осиё Шарқ Уйғониш даври кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссаси»¹ ёш авлоднинг таълим-тарбияси ҳамда маънавий қиёфасини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, Саъдуддин Тафтазоний асарларининг мазмун-моҳиятини илмий нуқтан назардан ёритиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги ПҚ-3721-сон «Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4802-сон «Имом Мотуридий илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий

¹ <http://ferlibrary.uz/shavkat-mirziyev-khalk-imizning-roziligi-bizning-faoliyatimizga-berilgan-eng-oliy-ba-odir>

хужжатларда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширилишига мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саъдуддин Тафтазоний фалсафий мероси ва ижтимоий карашлари туркум фан соҳалари доирасида ўрганилган. Жумладан, хорижлик тадқиқотчилардан Е.Бертельс², А.Кныш³, А.Корбен⁴, В.Маделунг⁵лар Тафтазоний ҳаёти ва илмий мероси тарих ва фан методологияси; К.Броккелман⁶, Э.Элдер⁷, П.Скреслет ва Р.Скреслет⁸, А.Саъди⁹лар томонидан маънавий-маърифий жихатларининг ёритилиши мутафаккир карашларининг ижтимоий-фалсафий моҳиятини очиб беришда назарий асос бўлиб хизмат қилади. Сафвет бей Басагич¹⁰нинг коллекцияси (Братислава университети фонди)да сақланаётган қўлёзмалар мавзуга оид муаммони тадқиқ этишда назарий манба вазифасини бажаради.

МДХ олимларидан Р.Сафиуллина¹¹, Д.Шагавиев¹²ларнинг илмий изланишлари ҳамда Н.Мўминзода¹³нинг «Саъдуддин Тафтазоний илоҳиётшунослигининг мантикий асослари» мавзусидаги дин фалсафаси йўналишидаги махсус фундаментал тадқиқоти Тафтазоний маънавий-маърифий меросини қиёсий таҳлил этишда илмий асос бўлади.

Ўзбекистонда Ў.Палванов «Саъдуддин Тафтазонийнинг Темурийлар даври мотуридия таълимоти ривожига қўшган хиссаси»¹⁴ мавзусида махсус фундаментал тадқиқот олиб борган. Шунингдек, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, У.Уватов, Ш.Зиёдовлар¹⁵ томонидан олиб борилган тадқиқотлар Тафтазоний илмий меросининг маънавий-маърифий жихатларини очиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

² Бертельс Е. https://biblioclub.ru/index.php?page=author_red&id=2702

³ Knysh A.D. <https://www.amazon.com/lbn-Arabi-Later-Islamic-Tradition/dp/0791439682>

⁴ Корбен А. История исламской философии. –М.: Прогресс-Традиция, 2010. –С.268.

⁵ Madelung W. Al-Taftāzānī. http://dx.doi.org/10.1163/1573-3912_islam_SIM_7296.

⁶ Brockelmann C. Geschichte der Arabischen Litteratur. –Leipzig: C.F.Amelangs Verlag, 1909. –P.207.

⁷ Translated with introduction and notes by Earl Edgar Elder. Commentary on the Creed of Islam. Sa'd al-Din al-Taftazani on the Creed of Najm al-din al-Nasafi. –New York: Columbia University Press, 1950.

⁸ Skreslet P.Yo., Skreslet R. The literature of Islam. –Lanham, Maryland: The scarecrow press. Inc., 2006. –P.164.

⁹ Саъди А.М. Исламское вероучение. Толкование акиды «Ан-Насафи». –Казань: ДУМ-РТ, 2009. –С.2.

¹⁰ <https://www.wdl.org/ru/item/2975/#q=%D1%82%D0%B0%D1%84%D1%82%D0%B0%D0%B7%D0%B0%D0%BD%D0%B8>.

¹¹ Сафиуллина Р. Арабская книга в духовной культуре татарского народа. –Казань: Альма-Лит, 2003. –С.214.

¹² Шагавиев Д. https://bolgar.academy/uploads/files/2019/04/11/slagavievimardzhani_1554961384.pdf

¹³ Муминзода Н. <https://ifpanrt.tj/avtoreferati-2018/2020/09-Nuriddin-M/Dissertatsiya.pdf>

¹⁴ Палванов Ў. Саъдуддин Тафтазонийнинг Темурийлар даври Мотуридия таълимоти ривожига қўшган хиссаси: Тар. фан. бўй. фал. док. (PhD) ... дис. автореф. –Тошкент: ТХИА, 2020.

¹⁵ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Самарқанднинг сара уламолари. –Тошкент: Nilol-nashr, 2014. –Б.12; Уватов У. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/ubaydulla-uvatov-alloma-taftazoniy-samarqandda/>; Зиёдов Ш. Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. –Б.23.

Шунингдек, И.Мўминов, М.Хайруллаев, А.Шарипов, Х.Алиқулов, М.Қодировлар¹⁶ томонидан олиб борилган тадқиқотлар Тафтазоний илмий меросининг тарихий жиҳатларини очиб беришда муҳим манба ҳисобланади. М.Болтаев, Н.Қомилов, Э.Қаримов, Ш.Мадаева, Н.Сафарова, Ж.Холмўминовларнинг¹⁷ фундаментал тадқиқотлари мутафаккир ижтимоий-фалсафий қарашларининг тасаввуфий жиҳатларини асослашда назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги тадқиқотлар таҳлилидан маълум бўладики, танланган мавзу фалсафа тарихидан махсус тадқиқот мавзуи бўлмаган. Шу боис, мазкур тадқиқотда Саъдуддин Тафтазонийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган Олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Баркамол инсон шахсини шакллантириш ва унинг ижтимоий-педагогик моҳияти» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Саъдуддин Тафтазоний асарларидаги ижтимоий-фалсафий мавзулардаги ғояларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Саъдуддин Тафтазоний яшаган тарихий муҳитдаги фан, фалсафа, дин ва маданият ривожининг ижтимоий-фалсафий аҳамиятини асослаш;

Мутафаккир илмий меросининг гултожи ҳисобланган «Шарҳ ал-ақоид» асарини таҳлил қилиш орқали ижтимоий-фалсафий илмлар ривожига қўшган ҳиссасини очиб бериш;

мутафаккир асарларида таснифи келтирилган борлиқни билиш усуллари ёрдамида мавжуд воқелиқнинг гносеологик характерини асослаш;

мутафаккирнинг нақлий билимлар тадқиқи билан бирга рационал тафаккур ривожига қўшган буюк ҳиссасини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объектини Саъдуддин Тафтазонийнинг илмий мероси ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Саъдуддин Тафтазоний қарашларининг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари ташкил этади.

¹⁶ Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. 2-нашр. –Тошкент: Фан, 1993. –Б.46; Темурийлар бунёдкорлиги даври манбаларида. М.Хайруллаев таҳрири остида. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997. –Б.40; Алиқулов Х. Шарқ уйғониш даври ва фалсафий тафаккур ривожи. –Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2016. –Б.37; Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). М.Хайруллаев таҳрири остида. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. –Б. 406.

¹⁷ Болтаев М.Н. Хожа Абдуқолиқ Фикрдувоний инсондўст қадим, рифъат шайх. –Бухоро, 1994; Қомилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996; Қаримов Э.Э. Суфийские тарикаты в Центральной Азии XII-XV вв.: Дис ... кан. ист. наук. –Ташкент, 1998; Мадаева Ш.О. Муслмон ҳуқуқшунослиги ва унинг тарихий идентификацион хусусиятлари // Марказий Осиё Ренессанси. –Тошкент, 2021. Жилд 2. -№1. –Б.16; Сафарова Н.О. Хожагон тасаввуфий таълимотида маънавий-ахлоқий қадриятлар масаласи: Фал. фан. ном. ... дис. –Тошкент, ЎзРФА ФИ, 2002; Сафарова Н.О. Хожагон тариқати, Ўзбекистон фойдасуфлари миллий жаъияти, 2003. –Б.68; Холмўминов Ж.М. Ваҳдат ул-вуҷуд фалсафаси ва унинг Нақшбандия таълимотига таъсири (Иби-ал-Арабий, Муҳаммад Порсо ва Абдурахмон Жомий қарашлари асосида): Фал. фан. док. (DSc) ... дис. автореф. –Тошкент: ЎДЖТУ, 2020.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий-тарихий, герменевтик, қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Тафтазонийнинг оламнинг яхлит манзарасига оид онтологик ҳамда рационаллик ва иррационаллик уйғунлигига қаратилган гносеологик ғоялари асосида ақл ва ҳиссиёт диалектик бирлигининг рационал тафаккурни шакллантиришдаги амалий аҳамияти, яхлит билимларнинг борлиқни англашдаги ўрни фалсафий жиҳатдан очиқ берилган;

мутафаккирнинг ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов масаласига оид концептуал ғояларининг фалсафа тарихида инсон моҳиятига нисбатан инсоннинг ташқи таъсирларга эҳтиёжини билдирувчи экстрове́ртив ва инсон ўз ички моҳияти билан ўз-ўзини англашнинг акс эттирувчи интрово́ртив ёндашувларни асослаш, мавжуд ижтимоий-ахлоқий меъёрларнинг жамият маънавий қиёфасини юксалтиришдаги зарурияти, ижтимоий-фалсафий моҳияти ва тарихий аҳамияти асосланган;

Тафтазонийнинг «Шарҳ ал-ақоид» асаридаги ижтимоий-ахлоқий қарашлари ҳамда нақлий ва ақлий билимлар орқали шаклланган раддия услуби деструктив ғояларга қарши курашда муҳимлиги, калом, фикр, мужтаҳид ва ижтиҳод, қаромат, ихтиёрий жузъ каби тушунчаларни ифодалашдаги аҳамияти асосланган;

бугунги кун раҳбар кадрлари ва ходимлари ўртасида муроса маданиятини шакллантириш, конфликтларни бартараф этиш, жамият барқарорлигини таъминлашда мутафаккирнинг давлат бошқаруви, шахслараро мулоқот, «ишбоши»ларда замонавий бошқарув салоҳиятини шакллантириш ва уларнинг онгига миллий кадриятлар руҳини сингдириш каби ижтимоий-сиёсий ғоялари таъсирчан восита (консенсус) эканлиги очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Саъдуддин Тафтазонийнинг прогрессив ғоялари кенг жамоатчилик тафаккурида конструктив ҳолатни юзага келтириши бўйича таъсирчан механизмлар ишлаб чиқилган;

Тафтазонийнинг «Шарҳ ал-ақоид» асаридаги жамият барқарорлиги ва фаровонликни таъминлашга хизмат қилувчи конструктив қарашларни жамият ҳаётига йўналтиришга оид тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ОАК рўйхатидаги илмий журналларда, хорижий илмий журналларда, республика ва халқаро конференция тўпламларида чоп этилган мақолалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Саъдуддин Тафтазонийнинг фалсафий меросига оид хулосалардан Ўзбекистонда илм-фан ва таълим-тарбия соҳасига доир илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ижтимоий-сиёсий

институтлар, Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши, Ўзбекистон мусулмонлари Идораси Уламолар Кенгаши, Халқаро Ислом цивилизацияси маркази, имом Бухорий, имом Мотуридий, имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари каби давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан фуқаролар билан уюштириладиган давра суҳбатларида, маънавий-маърифий тадбирларни ташкиллаштиришда ҳамда мафкуравий таҳдидларга қарши соғлом ақидавий иммунитетни юксалтиришда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саъдуддин Тафтазонийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Тафтазонийнинг оламнинг яхлит манзарасига оид онтологик ҳамда рационаллик ва иррационаллик уйғунлигига қаратилган гносеологик ғоялари асосида ақл ва ҳиссиёт диалектик бирлигининг рационал тафаккурни шакллантиришдаги амалий аҳамияти, яхлит билимларнинг борлиқни англашдаги ўрнига оид илмий-назарий таҳлиллар, тақлиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» телеканали ДУК «Маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар» муҳарририятининг «Миллат ва маънавият», «Таълим ва таракқиёт» номли дастурлари сценарийсида (2021 йил апрель-май ойлари) фойдаланилган («O'zbekiston» телерадиоканали ДУКнинг 2021 йил 20 майдаги №04-25-770-сон маълумотномаси). Илмий натижалар мазкур дастурларнинг сифати, мазмуни ва самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатган;

мутафаккирнинг ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов масаласига оид концептуал ғояларининг фалсафа тарихида инсон моҳиятига нисбатан инсоннинг ташқи таъсирларга эҳтиёжини билдирувчи экстровертив ва инсон ўз ички моҳияти билан ўз-ўзини англашини ақс эттирувчи интровертив ёндашувларни асослаш, мавжуд ижтимоий-ахлоқий меъёрларнинг жамият маънавий қиёфасини юксалтиришдаги зарурияти, ижтимоий-фалсафий моҳияти ва тарихий аҳамиятига оид тақлиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг умумий норматив ҳужжатларини шакллантириш ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фаолиятида фойдаланилган (Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 6 июлдаги 02/02-4299-сон; Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгашининг 2021 йил 10 июндаги 02/02-252-сон маълумотномаси). Натижалар Дин ишлари бўйича қўмитанинг норматив ҳужжатлар базасини янги илмий фактик маълумотлар билан бойитилишига ҳамда «Миллий тикланиш» демократик партияси сайловолди дастурини илмий-назарий жиҳатдан такомиллаштиришга ҳисса қўшган;

Тафтазонийнинг «Шарҳ ал-ақоид» асаридаги ижтимоий-ахлоқий қарашлари ҳамда нақлий ва ақлий билимлар орқали шаклланган раддия услуби деструктив ғояларга қарши курашда муҳимлиги, калом, фикх, мужтаҳид ва ижтиҳод, қаромат, ихтиёрий жузь каби тушунчаларни ифодалашда аҳамиятли эканлигига оид тақлиф ва тавсиялардан Вазирлар

Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолиятида фойдаланилган (Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2021 йил 25 июндаги № 02/261-сон маълумотномаси). Натижалар илмий-тадқиқот марказида Саъдуддин Тафтазоний маънавий меросига оид янги маълумотларнинг ортишига замин яратган;

бугунги кун раҳбар кадрлари ва ходимлари ўртасида мураса маданиятини шакллантириш, конфликтларни бартараф этиш, жамият барқарорлигини таъминлашда мутафаккирнинг давлат бошқаруви, шахслараро мулоқот, «нишбоши»ларда замонавий бошқарув салоҳиятини шакллантириш ва уларнинг онгига миллий кадриятлар руҳини сингдириш каби ижтимоий-сиёсий ғоялари таъсирчан восита (консенсус) эканлигига оид илмий янгиликдан Республика Маънавият ва маърифат Марказининг «Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмуни ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус» доирасида амалга оширилган маънавий тадбирларида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат Марказининг 2021 йил 26 июлдаги №02/02-865-сон маълумотномаси). Натижалар ёшларда масъулият ҳисси, консенсусликка эришиш ва мураса маданиятини юксалишида самарали восита ролини бажарган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 11 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола (5 таси республика ва 2 таси хориж журналларида) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 124 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғликлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифлаб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Саъдуддин Тафтазонийнинг ҳаёти ва илмий меросининг методологик асослари**» деб номланган. Мазкур бобнинг «Саъдуддин Тафтазонийнинг ҳаёти ва ижоди» деб номланган

биринчи параграфда мутафаккир Тафтазонийнинг ибратли ҳаёт йўли ва илмий билимлар таракқиёти учун мавжуд шароит ҳамда имкониятлар тарихий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этилган. Хусусан, Тафтазоний Хуросоннинг (ҳозирги Туркменистон) Насо шаҳри Тафтазон кишлоғида дунёга келган. Алломанинг таваллуд топган йили тўғрисида манбаларда турлича маълумотлар келтирилган. Тафтазонийнинг таваллуди борасидаги аксарият муаррихлар ва тадқиқотчиларнинг яқдил фикрини инобатга олиб, 1322 йил таваллуд топган деган фикрни асосли деб ҳисоблаймиз. Мутафаккирнинг ёшлигиданок маърифатга бўлган иштиёқи ва таракқий этган ўрта аср марказий шаҳарларидаги илмий давралар унинг дунёкарашини эрта шаклланишига сабаб бўлди. Манбаларда Тафтазоний куйидаги олимлардан илм ўрганганлиги айтиб ўтилган:

1. Азудуддин Абдурахмон Ийжий (1281-1355);
2. Зиёуддин Қазвиний (ваф. 1378);
3. Қутбуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Розий (1295-1365).

Таъкидлаш жоизки, мавжуд ижтимоий омиллар ва муҳит сабабидан Тафтазоний илмнинг жуда кўп тармоқларида замонасининг пешқадамларидан бўлганлиги тарихий манбаларда қайд этилган. Хусусан, машҳур олим Ибн Халдун ўзининг «Муқаддима» асарида куйидагиларни таъкидлайди: «Мисрда ақлий билимларга оид бир қанча китобларга дуч келдим. Уларнинг эгаси Хуросоннинг Ҳиротдаги улуғларидан Саъдуддин Тафтазоний эди. Унинг калом илми, усулул фикҳ, баён илмига оид асарлари бу соҳаларда юқори малакаси борлигини айтиб турибди»¹⁸.

Аксарият манбаларда Тафтазоний илмий мероси ижтимоий-тарихий шароитларга боғлиқ ҳолда тадқиқ этилганлиги таъкидланади. Бу борада мақсадга эришишнинг воситаси Тафтазоний ижодиёти тарихини ёритишда ҳолислик тамойилига амал қилишдир. Шу жиҳатдан қаралганда, мутафаккир асарларининг салмоқли улуши Самарқандда, Амир Темур саройида яратилганлигини алоҳида эътироф этамиз. Бу ҳолатни Амир Темур давлатида илм-фан аҳлларига яратилган имконият ва шароитларнинг натижадорлиги ҳамда маърифий ишларнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги билан изоҳлаймиз.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида шундай сиёсий тенденция юзага келдики, натижада таракқиётга эришиш учун мазкур жараёнда қонун устуворлигини таъминлаш масаласи бирламчи омил бўлган эди. Айтиш мумкинки, Амир Темурнинг жамият барқарорлигида адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш тамойили ижтимоий зарурат эканлиги ҳақидаги ҳулосага келишига, Тафтазонийнинг фалсафий ғоялари назарий манба вазифасини бажарган. Қолаверса, Темур томонидан марказлашган ҳуқуқий давлат пойдеворини яратишда Тафтазоний ўзининг прогрессив ғоялари билан унга фикрдош ва елкадош бўлганлигини эътироф этамиз. Шу жиҳатдан олганда, Тафтазонийнинг илмий қарашлари ўз даврида ҳам

¹⁸ <https://gaz.wiki/wiki/ru/Al-Taftazani>.

бугунги кунда ҳам давлат ва жамиятнинг барқарор ривожланишида муҳим манба эканлигини асослаймиз.

Тафтазонийнинг ижтимоий-фалсафий ва маънавий-маърифий мавзудаги асарлари қуйидаги жиҳатларни камраб олади:

- билиш назариясида ақл ва ҳиссиётнинг диалектик бирлиги;
- инсондаги ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий меъёрлар таснифи;
- ижтимоий қатлам вакилларида муроса маданиятини юксалтириш;
- оламнинг илмий манзарасини яратишда онтологик ёндашув;
- нақлий билимлар амалиётида рационал тафаккурнинг роли.

Илму маърифат тамаддуни ва жамият тараққиётини юқорида таъкидланган конструктив ғоялар билан бойитган файласуф Саъдуддин Тафтазоний 1390 йилда Самарқандда вафот этди ҳамда она юрти Сараҳса дафн этилди.

Мазкур бобнинг «Мутафаккир илмий меросининг ғоявий, назарий асослари» деб номланган иккинчи параграфида Тафтазоний илмий меросининг ғоявий-назарий жиҳатлари ёритилган. Тафтазоний Марказий Осиё минтақасида Абу Мансур ал-Мотуридий асос солган ақоид ва калом таълимотининг ғояларини юксалиши ва оммалашувида фаоллик кўрсатди. Мутафаккир жамият ҳаётида юзага келган ижтимоий-сиёсий зиддиятларга ечим топишда эҳтиёж сифатида пайдо бўлган калом таълимоти ғояларини ёритиб берганлигини асосли деб ҳисоблаймиз. Унинг асарлари рўйхатида нафақат исломий билимлар, балки дунёвий билимларнинг мавжудлиги, мутафаккирнинг диний ва дунёвий билимлар масаласида уйғунликка эришган буюк шахс эканлигидан далолат беради.

Тафтазонийнинг дунё тафаккури тарихининг зарҳал саҳифаларини бойитган машҳур асарлари унинг илмий меросини ўрганган тадқиқотчилар томонидан классификация қилинган. Мазкур тадқиқотда Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф¹⁹ Ҳазратлари томонидан амалга оширилган классификациядан фойдаланилган. Жумладан,

Мантик илмига оид:

1. Таҳзиб ал-мантиқ вал-калом.
2. Шарҳ ар-рисола аш-шамсия.

Калом илмига оид:

1. Ал-Мақосид фи илм ал-калом (Шарҳ ал-мақосид).
2. Шарҳ ал-ақоид ан-Насафия.
3. Ар-Радд ала Зиндиқа Ибн Арабий.

Арифметика ва геометрияга оид:

1. Шарҳ ар-рисола аш-шамсия фи-л-ҳисоб.
2. Рисола фи завой ал-мусаллас.

Луғатшунослик илмига оид:

1. Ниъам ас-савобиғ фи шарҳ ал-калим ан-навобиғ.

Араб тили грамматикаси (Наҳв илми)га оид:

¹⁹ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Самарқанднинг сара уламолари. –Тошкент: Hilol nashr, 2019. –Б.23.

1. Шарх ат-тасриф ал-иззий.

2. Иршод ал-Ҳодий.

3. Саъдий Шерозийнинг «Бўстон» асарининг турк тилидаги насрий таржимаси.

Ҳадис илмига оид:

1. Арбаъун фи ал-ҳадис.

2. Рисолат ал-икроҳ.

Фикҳ илмига оид:

1. Фатово ал-ҳанафия.

2. Шарх фароиз ас-Сирожия.

Балоғат илмига оид:

1. Шарх ал-мутававал.

2. Мухтасар ал-маъоний.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, Тафтазонийнинг илмий фаолиятида юртимиздан етишиб чиққан буюк олимларнинг асарларига шарҳлар ёзиш амалиёти ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Жумладан, у Абу Хафс Насафийнинг «Ақоид ан-Насафий», Маҳмуд Замахшарийнинг «Тафсир ал-кашшоф» ва «Навобиг ал-калом» каби машҳур асарларига муфассал шарҳ ва хошиялар ёзган. Мутафаккирнинг шарҳлари борасида айтиш мумкинки, ижодининг гултожиси ҳисобланган «Шарҳ ал-ақоид ан-Насафий» хали ўзбек тилига тўлалигича таржима қилинмаган ва мукамал тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Унда кўтарилган масалалар тарихий контекст билан узвий боғликлиги таҳлил қилинмаган. Мазкур асарнинг Ўзбекистон фондларида сақланаётган ва хорижий давлатлардаги нусхалари ўртасида комплекс аналогия ишлари олиб борилмаган. Мазкур асар Марказий Осиё минтақасидаги аксарият диний таълим муассасаларида асосий дарслик сифатида ўқитилган бўлсада, кенг китобхонлар оммасига ҳавола қилинмаган. Ваҳоланки, мазкур асар бугунги кунда ислом ниқоби остида фаолият юритаётган диний-сиёсий оқимларнинг таълимотларига қарши курашда ғоявий қурол вазифасини бажаради.

Фалсафий тафаккур таракқиётидан муҳим ўрин олган Форобий, Ибн Сино, Беруний каби буюк мутафаккирлар ғояларида акс этган қадимги юнон фалсафасининг диалектик ёндашувлари Тафтазоний қарашларида ҳам мавжуд бўлганлигини эътироф этамиз. Тафтазоний антик давр фалсафаси билан чегараланмасдан, Марказий Осиё Иккинчи Ренессанс даврини янги илмий ғоялар билан бойитди ва ривожлантирди. Хулоса қилиш мумкинки, Тафтазоний ислом илмларига фалсафа ва мантиқ ғояларини йўналтирди, натижада калом фалсафасини фан сифатида ривожланишига катта ҳисса қўшди. Мутафаккирнинг калом фалсафасига оид асарларида умуминсоний қадрият ҳисобланган илмга интилиш, ақлни улуглаш, оламни англаш, ахлоқий камолот, ижтимоий адолат, муроса маданияти каби прогрессив ғоялар долзарб масала сифатида ёритилган.

Мазкур бобнинг «Шарҳ ал-ақоид» асарининг методологик асослари» деб номланган учинчи параграфида юқорида номи тилга олинган асар юзасидан аҳамиятли деб ҳисоблаган фикрларимиз баён этилган. Жумладан,

Тафтазоний глобаллашув таъсирида мураккаблашиб, асл мазмун-моҳиятини йўқотаётган калом, фикх, мужтахид ва ижтиҳод, каромат, ихтиёрий жузь ва шу каби бир катор мавзуларни «Шарҳ ал-ақоид» асари орқали юксак илмий савияда ифодалаган. Ижтимоий-тарихий даврда алоҳида мавқега эга бўлган ушбу асар мотуридийлик таълимоти ва маърифий исломни ўрганишда муҳим қўлланма бўлиб келмоқда. Мазкур шарҳ жамият ҳаётидаги ижтимоий-маърифий мунозарали мавзуларга ечим топиб бера олган ислом фалсафасининг нодир қўлэмаларидан бири сифатида юқори баҳоланади. «Тафтазоний бу асарида ал-Мотуридийнинг калом мактабига қўшган хиссасини ва таъсирини»²⁰ батафсил таъкидлаб ўтади. Асарга замон ва макон нуктаи назаридан ёндашилганда, дунёнинг қўплаб минтақаларида жамият маънавий ҳаётида пайдо бўлган масалаларга ечим бера олишдек илмий салоҳиятнинг мавжудлиги маълум бўлади. Жумладан, Эрл Элдер Тафтазонийнинг «Шарҳ ал-ақоид» асарини 1950 йилда инглиз тилига таржима қилган ва минтақа халқлари ҳаётидаги ижтимоий масалаларга ечим беришда таъсири юқори эканлиги асосланган.

Жамият ҳаётидаги ижтимоий-фалсафий масалаларни тизимли равишда тартибга солишдек зарурият юзасидан яратилган мазкур асар, Марказий Осиё минтақасида ислом фалсафасининг маънавий қиёфасини юксалтиришда юқори конструктив аҳамиятлидир. Асарнинг ижтимоий-фалсафий аҳамиятининг эътирофи сифатида республикамиздаги ҳамда чет давлатлардаги аксарият диний олий таълим муассасаларида ўқитилаётганлиги, унинг бугунги кундаги долзарблигидан далолат беради.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Мутафаккир ижтимоий-фалсафий қарашларининг умуминсоний моҳияти**» деб номланган. Мазкур бобнинг «Тафтазонийнинг онтологик-гносеологик қарашлари» деб номланган биринчи параграфида борликни билишнинг умуминсоний моҳияти ёритилган. Илм эгаллаш орқали нарса ва ходисаларнинг онтологик моҳиятини англаш масаласи мутафаккир эътиборидаги бош мавзулардан саналади. Мутафаккир фалсафий дунёқарашда ақл ва сезгилар воқеликни билишнинг асосий усуллари сифатида талқин этилади. Хусусан, Тафтазонийнинг «Шарҳ ал-ақоид» асарида билиш икки босқичда таҳлил қилинади:

1. Ғойиб нарса-воситалар орқали билиш (идрок қилинадиган).
2. Махсус нарса-воситалар орқали билиш (хис қилинадиган)²¹.

Биринчи ҳолатда «ғойиб нарса-воситалар», яъни сезги аъзолари билан хис эта олмайдиган ходисалар баёни келтирилади. Ғойиб нарса-воситалар орқали манбаларни ўзлаштиришнинг бундай кўринишида инсондаги ақл бирламчи мезон эканлиги таъкидланади. Шу жиҳатдан олганда, «ақл илм

²⁰ Зиёдов Ш. Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси. –Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. –Б.23.

²¹ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-Насафий. –Қарачи: Мактабат ул-бушро, 2009. 1-нашр. سعد الدين تافتازوني، شرح العقائد، كراچي، باكستان، مكتبة البشرى، 2009، طبعه الاولى، صفحة 64-71. –Б.64-71.

хосил қилиш учун сабаб»²² эканлигини Тафтазоний асар матнида айтиб ўтади.

Иккинчи ҳолатда эса, «махсус нарса-воситалар», яъни фақатгина сезгилар орқали англаш имконияти мавжуд бўлган билимлар тўғрисида маълумот келтирилади. Тафтазоний нарса-ходисаларни ақл ва ҳиссиёт орқали англаш мавзусини давом эттириб, ақлни неъмат сифатида баҳолайди ва унинг илм хосил қилиш сабабларини икки турга бўлади:

1. Ишончли хабар орқали.
2. Сезгилар орқали.

Бу борада Тафтазоний қарашларининг фалсафий таҳлили шуки, мазкур икки сабаб ёрдамида инсон ўзини ўраб олган мавжудликнинг мазмун-моҳиятини англаб боради. Бунда нақлий билимлар, яъни Қуръони карим ва Ҳадиси шарифни биринчи, яъни ишончли хабар сифатида изоҳлайди. Иккинчисидан эса, сезгиларнинг ташқи моддий дунё воқеликларини инъикос эттиришдаги роли тушунтирилади.

Тадқиқотда Европа фалсафаси вакиллари билан Тафтазоний қарашларининг қиёсий таҳлиliga ҳам эътибор қаратилган. Жумладан, ақл ёки сезгилар борлиқни билишда бирламчи унсур эканлигини асослашга ҳаракат қилган файласуфларнинг фикрлари Тафтазоний қарашлари билан нечоғлик уйғунлиги таҳлил қилинган. Мисол учун, борлиқнинг илмий манзарасини яратишда билишнинг ягона мезони рационал тафаккур эканлигини далиллашга ҳаракат қилган француз мутафаккири Декарт «сезгиларга ҳеч қачон ишониб бўлмаслигини, улар кўпинча, ёлгон маълумотларни етказишини»²³, «ҳақиқатни фақат ақлнинг табиий нури ёрдамида билиш мумкин»²⁴лигини таъкидлаб ўтади. Аксинча, инглиз мутафаккири Давид Юм эса, ақл объектив оламнинг илмий манзарасини ҳеч қандай чизгилар билан ёритиб бера олмаслигини айтиб ўтади. Билиш фақатгина ташқи дунёдан таъсирланиш натижасида юзага келади ва бу таъсир чегараси сезгиларда мавжудлигини таъкидлайди. «Ҳиссиётлар ва тажриба орқали олинганларнинг маълумот сифатида эътироф этган»²⁵ - Давид Юм, сезгиларнинг таъсир доирасида маълум бўлган воқеликнинг инсон англай олиши мумкинлигини айтиб ўтади. Айнан шу мавзуда ақл ва ҳиссиёт орқали маърифат хосил қилиш масаласида янги давр Европа фалсафаси вакиллари таъкидлаб ўтади. Чунки Тафтазоний биргина ҳиссиётлар ёки фақатгина ақл билан эмас, балки сезгилар таъсирида пайдо бўлган ишончли хабарларнинг ақл-идрок жараёнида омукталаниб, диалектик бирлик хосил қилишини таъкидлайди.

²² Саъдулдин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақонд ан-Насафий. –Қарачи: Мактабат ул-бушро, 2009. 1-нашр. سعد الدين
صفحة نقلتي، شرح العقائد، كراتشي، باكستان، مكتبة البشرى، ۲۰۰۹ ميلادي، طبعه الاولى، صفحة

²³ Матвиевская Г.П. Рене Декарт: книга для учащихся. (Люди науки). –М.: Просвещение, 1987. –С.28.

²⁴ Дмитриев Т.А. Проблема методического сомнения в философии Рене Декарта. –М., 2007. –С.27.

²⁵ Юм Д. Исследование о человеческом познании. –М., 2009. –С.19. Дэвид Юм и современная философия, под ред. И.Т.Касавина. –М.: Альфа, 2012. –С.53.

Шунингдек, мазкур бобнинг «Мутафаккир ижтимоий қарашларининг умуминсоний моҳияти» деб номланган иккинчи параграфида ислом феноменининг минтакаларга тарқалиши натижасида араб ва араб бўлмаган (ажам) халқларининг турмуш тарзида юзага келган мафкуравий масалаларнинг умуминсоний моҳияти ёритилади. Оқибатда ислом билан юнон фалсафаси элементларининг синкретик ҳолати вужудга кела бошлади. VII-VIII асрларга келиб динда рационал ёндашувнинг аҳамияти ортиб бориши натижасида, юнонларнинг диалектик унсурларини ўзида жамлаган калом фалсафаси фан тармоғи сифатида классификациялаштирилди.

Юнон фалсафасининг араб минтакаларига кириб бориш сабаблари, омиллари ҳамда мазкур жараёнда маълум бир шахсларнинг роли билан боғлиқ жиҳатлар Тафтазонийнинг умуминсоний характердаги қарашлари асосида очиб берилган. Таъкидлаш жоизки, араб минтакаларига юнон фалсафасининг кириб келиши хусусида замонавий фалсафада бирор-бир шахснинг номи тилга олинмаган. Бирок, Тафтазоний бу жараёнга субъектив ёндашув асосида фикр билдирган. Жумладан, «фалсафани илк бор Холид ибн Язид ибн Муовия (р.а.) араб кўлёмаларига олиб кирган. Фалсафа илми юноний ҳикмат бўлиб, «файла» ва «суфа» сўзларининг бирикувидан ташкил топган. Аксарият фалсафий қарашлар аббосий халифа Маъмун даврида кириб келган. Энг кўп фалсафий фикрларни нақл қилган шахслардан бири Хунайн ибн Исҳоқ ибн Хунайндир. Бу инсон тиббиёт ва фаннинг бошқа соҳаларида моҳир киши бўлган»²⁶, - дея таъкидлайди Тафтазоний. Мутафаккир Тафтазонийнинг Хунайн ибн Исҳоқ ҳақидаги маълумотларини тиббиётга оид латин тилидаги манбалар «Johannitius»²⁷ нисбаси билан танилганлигини далиллайди. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Тафтазонийнинг мазкур қарашларида халқлар ва миллатлар ўртасида ижтимоий тотувликни таъминлашга хизмат қиладиган омилларнинг назарий асослари мавжуд.

Шунингдек, мутафаккир илмий меросини тадқиқ қилиш жараёнида «суфастойилик» деб номланган оқимлар фаолияти ҳақида сўз юритилади. Мазкур тадқиқотда фалсафий тафаккур тараққиётида пайдо бўлган софистик дунёқарашнинг умуминсоний моҳияти баён этилган. Тафтазоний таъкидлаган софистик тафаккурнинг илмий аҳамияти замон ва макон нуктаи назаридан таҳлил қилинган ушбу тадқиқотда мазкур терминнинг минтакаларда пайдо бўлиши, унинг объектив ва субъектив сабаблари ҳамда ижтимоий аҳамияти фалсафа тарихи нуктаи назаридан тадқиқ қилинган.

Мазкур бобнинг «Тафтазоний ижтимоий қарашларида ихтиёр эркинлиги ва ахлоқ масалалари» деб номланган учинчи параграфида калом фалсафасининг муҳим мавзуларидан бири – инсондаги ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур мавзу Тафтазонийнинг аксарият асарларидаги бирламчи ғоя сифатида эътироф этилади. Жумладан, мутафаккирнинг «Шарҳ ал-ақоид» асарида

²⁶ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид ан-Насафий. –Қарачи: Мактабат ул-бушро, 2009. 1-нашр. - سعد الدين - ب.22، شرح العقائد، كراتشي، باكستان، مكتبة البشرية، ٢٠٠٩ ميلادي، طبعه الاولى، صفحة

²⁷ <http://www.mcabiografias.com/app-bio/do/show?key=johannitius>.

Яратувчининг яратувчилик сифатидан келиб чиқадиган хушхулқлик ва хайрли ишлар баёни келтирилади ҳамда шу орқали инсонларни номақбул хулқ-атвор сабабидан содир бўладиган хатти-харакатлардан сакланишга чакиради. Хусусан, мутафаккир асарда «инсонларга ихтиёр берилган ва унга биноан бажарган амалларига яраша яхшилик бўлса савоб, ёмонлик бўлса жазо билан мукофотланадилар»²⁸, -деб таъкидлайди. Асар тахлилида, шарафланмаган хулқ-атвор, ижтимоий ахлоқ меъёрларида бажарилиши таъқиқланган ишлар инсоният учун номувофиклиги таъкидланади. Бундай номақбул ахлоқий категориялар орқали кишиларнинг синовдан ўтказилиши ақлий ва нақлий манбалар асосида далилланади.

Саъдуддин Тафтазонийнинг инсон тақдиридаги яхшилик ёки ёмонликни танлаш ихтиёри ҳақидаги фикри буюк мутафаккир имом Мотуридийнинг бу борадаги конструктив карашларига айнан мос келади. «Абу Мансур Мотуридий исломдаги ирода эркинлигини шарҳлаб, инсонга берилган ақлидрок унга ўз хатти-харакатида яхшилик ва ёмонликни, ҳалол ва ҳаромни, савоб ва гуноҳни, тўғри ёки эгри йўлни танлаш эркинлигини берди, бизнинг келажагимиз шу йўллардан қай бирини танлай олишимизга боғлиқ, деб уқтирган»²⁹. Ҳар иккала мутафаккирнинг прогрессив карашларида доимий равишда жамият аъзолари ўртасида одамийлик, барқарорликка олиб борувчи ҳамкорлик ришталарини шакллантириш орқали жамиятда ижтимоий тотувлик ва уйғунликка чорловчи омиллар ётади.

Ахлоқий танлов масаласида «инсонда ихтиёр эркинлиги мавжуд ва у яхшилик ва ёмонликни танлашда тенг имкониятларга эга бўлади»³⁰, -дея таъкидлаган файласуф Аристотель. Бирок, бу масалада инсонда маънавий камолот даражасининг пастиги ёки бошқача айтганда, мукамал даражадаги интеллект етишмаган тақдирда хатолик содир бўлиши кузатилади. Шунинг учун юқорида айтилган ҳаракатларнинг сабаб-оқибатини англаб етмаган инсонлар жамоаси учун юксак ахлоқий ирода масаласида маълум чегара ўрнатилади ва бу чегара ахлоқ ёки қонун нормалари билан тартибга солинди. Ваҳоланки, «инсон хусусиятининг асл моҳияти деструктивлик ва шавкатсизлик эмас»³¹, балки, ширинсўзлик, камсуқумлик, хушфёъллик, хушхулқлик сингари ахлоқий меъёрларда намоён бўлади.

Шунингдек, Тафтазонийнинг ихтиёрий эрк ва ахлоқий танлов масаласидаги карашлари айрим Европа классик фалсафаси вакиллариининг карашларидан тубдан фарқ қилади. Мисол учун, А.Шопенгауэр карашлари инсон руҳиятини пессимизм сари етаклайди. «Ирода бу – инсоннинг ўз хоҳиш-истакларини амалга ошириш йўлидаги мақсадсиз интилишларидир, у

²⁸ Саъдуддин Тафтазоний. Шарҳ ал-ақоид. –Британия: Дьюсбери, 2010. « سعد الدين تفتازاني شرح العقائد ، نيويورك ، 2010 ، ص 88-93 .

²⁹ Тўраев Б.О. Онтология, гносеология, логика ва фан фалсафаси муаммолари. 1 жидд. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2015. –Б.370.

³⁰ Аристотель. Сочинения в четырех томах. Т.4. Общ.ред. А.И.Довгуга. –М.: Мысль, 1983. –С.15.

³¹ Сафарова Н.О. Терроризм. (тарихий-фалсафий таҳлил). –Тошкент: Noshir, 2009. –Б.12.

охир-окибатда машаққатларга гирифтор қилади»³², - деб таъкидлайди Шопенгауэр. Бу ғоялар эса, инсонни фаровон ҳаётда яшаш учун курашишдан тийилишга чакиради. Тафтазонийда эса бунинг акси, мутафаккирнинг «инсонга ихтиёр эркинлиги берилган»лиги жумласида бирор-бир турдаги ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тақдирга бўйсунтиришдан йироқ тушунча эканлиги яққол кўзга ташланади.

Тадқиқотда ихтиёр эркинлиги ва ахлоқий танлов мавзуси ҷамият ҳаётидаги муаммоларнинг илмий ечимини ишлаб чиқишда ва ижтимоий аҳамиятини очиб беришда муҳим эканлиги ёритилган.

